



EZGU FIKR, EZGU SO'Z, EZGU AMAL!

ILM SARCHASHMALARI

AL-XORAZMIY NOMIDAGI
URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-METODIK JURNALI



2014-6

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

AL-XORAZMIY NOMLI URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

Ilm sarchashmalari

Jurnal OAK Rayosatining 2013-yil 30-dekabrda 201/3-son qarori bilan fan doktori ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar e'lon qilinishi lozim bo'lgan respublika ilmiy jurnallari ro'yxatiga kiritilgan.

6. 2014

научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года

Urganch – 2014

MUNDARIJA

OGAHYXONLIK

S. Matkarimova, R. Tag'anov. Akademik litseylarda Ogahiyning hayoti va ijodini o'qitishda innovatsion usullardan foydalanish.....	3
---	---

FIZIKA

Э. Қўшжонов, Д. Қўшжонов, А. Рахманов. Қуёш элементлари технологиясида ион имплантация усули.....	6
---	---

TIBBIYOT

К. Шукурлаев, Б. Ибодуллаев, Ш. Султанова, Н. Бекова. Изучение токсичности производного тиомочевины-1,2-0,0-бис (4-хлорбензоил-тиокарбамоил)-ализарина при длительном применении.....	9
С. Машарипов, Б. Абдурахмонов. Прикладная медико-техническая наука.....	11

EKOLOGIYA

Р. Эгамбердиев, М. Якубова. Чўл зонаси деҳқончилигида минерал ўғитлардан фойдаланишнинг экологик муоммолари.....	14
--	----

FALSAFA VA TARIX

Ж. Элмуротов, Ж. Шоназаров. Жамиятни демократлаштириш ва шахс эркинлигининг назарий-фалсафий асослари.....	17
Ж. Олимов. XIX аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистон ўрмон хўжалиги тарихи.....	19

IQTISODIYOT

Б. Рузметов. Из истории возникновения комплекснозначной экономики в Узбекистане.....	23
--	----

TILSHUNOSLIK

Г. Ходжаева, А. Жуманиёзов. Тилшуносликда норма талқини.....	27
Р. Nuritdinova. Onomastik tizimda o'zbekcha terminlarning o'rni.....	29
Г. Касимова, Д. Ганиева. Трансформациялашиш жараёни ва феъл шакллари.....	31
Р. Шаропова. Ижтимоий-сиёсий терминларда мафкуравий баҳо муносабати масаласи.....	35
Р. Yusubova. Sintaktik tejamlilik va kontekstual to'liqsiz gaplar.....	38
D. Artikova, I. Yusupov. Ingliz va o'zbek tillarida erkalashning fonetik va morfologik jihatdan ifodalanishi.....	40
И. Жураева. Номинативная ценность личного имени и сигналы антропонимов в английском языке.....	43
А Ахмедов. Ҳозирги замон немис тилида яхлит йўналтирилган окказионал қўшма отлар ва уларнинг бадий асарларда қўлланиши.....	45

ADABIYOTSHUNOSLIK

М. Муродова. "Луғати чигатойи ва турки усмоний" – тўй маросим қўшиқларини ўрганишнинг муҳим манбаи сифатида.....	49
С. Расулова. Тохир Маликнинг портрет яратиш маҳорати.....	52
Г. Усманова. Таржима жараёнидаги маъновий бурилишнинг ўзига хос маданий хусусияти.....	55

ILMIY AXBOROT

Z. Karimova. Ilk davrlardagi ingliz tili tarixi.....	59
--	----

INFORMATIKA

Б. Раззақов, Қ. Сапаев, Р. Раҳимов. Хоразм вилоятидаги биринчи ЭҲМ ва муҳандис-дастурловчилар ҳақида.....	62
---	----

навъида бир байт айтилуриким, мунсарихи матвийи мавкув баҳридури ва ёр-ёр лафзини радиф ўр-нига мазкур қилурлар", тарзида изоҳланган. Бу атаманинг этимологик асоси қадимги туркийлар тилидаги "овоз", "садо", "товуш" маъноларини англлатувчи "чанг//чинг" сўзидир.

Бундан ташқари, ушбу луғатда тўй маросим фольклорига оид "ўлан", "ёр-ёр", "арғуштак" жанрларига доир материаллар ҳам учрайди. Шайх Сулаймон Бухорий ўзи истиқомат қилган Қорақўл воҳаси аҳолисининг тўйларда ижро этиладиган кўшиқларини тўплаб, сўзлар маъносини изоҳлаш мақсадида ўз луғатига ҳам киритган. "Ёр-ёр" жанрига оид матнларда Қорақўл воҳасида оммалашган ўғуз лаҳжасидаги фольклор ижрочилигининг ўзига хос локал хусусиятлари ўз ифодасини топган:

*Ҳой-ҳой ўланг, жон ўланг,
Паноҳ бергин, ёр-ёр.
Бойбаччага доимо,
Сафо бергин, ёр-ёр. (79-бет)*

Луғатда келтирилган фольклор материалларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, XIX асрнинг иккинчи ярмида Қорақўл воҳасида "Гўрўгли", "Юсуф ва Аҳмад", "Тоҳир ва Зухра" сингари достонлар кенг тарқалган бўлиб, бахшилар ижросида Хоразм воҳаси эпик аънаналари ва туркман достончилигининг таъсири жуда кучли бўлган. Халқ орасида Махтумқули, Андалиб, Муллонафас каби шоирларнинг шеърий асарлари кенг ёйилиши билан бир қаторда, воҳа маросим кўшиқларида ҳам ўғуз тип ижрочилик аънаналари таъсири сезилиб турган. Ушбу луғатдаги фольклор материалларини ўзбек ва туркман халқ бадий ижодиётининг бевосита оғзаки ижро жараёнида ёзиб олинган ва нашр қилинган намуналари билан қиёсий ўрганиш натижасида тўй маросим кўшиқларининг тарқалиш ареали, XIX аср иккинчи ярмида икки халқ ўртасидаги қадимий адабий алоқаларнинг асосий йўналишлари ва фольклор жанрларининг поэтик эволюциясини тадқиқ этиш лозимлиги адабиётшунослик ва фольклоршуносликнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Сарвиноз Расулова (ЎЗМУ)

ТОҲИР МАЛИКНИНГ ПОРТРЕТ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Аннотация. Бу мақола ёзувчининг портрет яратиш маҳорати ҳақида бўлиб, унда адибнинг портрет яратиш йўллари Тоҳир Малик қиссаси мисолида кўрсатилган. Қиссада қаҳрамонларга чизилган портретлардан мисоллар берилади.

Аннотация. В данной статье охарактеризовано искусство писателя при создании портрета, что писатель показывает на примере повести Тахира Малика. Примером служит портрет героя.

Annotation. In the given article art of the writer is characterized when making the portrait, here writer shows on for example of the tales Takhir Malik's. In to article is spesified several different descriptions of the portrait.

Калим сўзлар: портрет, маҳорат, қаҳрамон, характер, таҳлил, услуб, ўхшатиш, жиноят олами, образ, бадий олам.

Ключевые слова: портрет, стиль, мастерство, характер, аналогия, мир преступление, образ, художественное произведение, герой.

Key words: portrait, skil, hero, character, analysis, style, to liken, world of crime, image, literal world.

Ёзувчининг ижодий маҳорати, аввало, у яратган қаҳрамонлар образларида намоён бўлади. Бадий адабиётда қаҳрамон қиёфаси (портрети)ни яратиш санъати ўзига хос аънамага эга. Энг қадим замонлардан ҳозирги кунгача бўлган адабиётимизда қаҳрамоннинг ташқи ва ички қиёфаси юзлаб асарларда турли кўринишларда тасвирланган. Тоҳир Маликнинг асарларида ҳам бу санъат бор бўйи билан ўз аксини топган. У ҳар бир асарида янги-янги образлар яратади. "Шайтанат"да Асадбек, Ҳосилбойвачча, Маҳмуд, Жалил, "Мурдалар гапирмайдилар" қиссасида Тенгиз, Нуриддин, Тошболта, Турсунали, "Талваса" романида Акмал Бердиёров, Бўрон – Келдиёр Бердиёров, Акула – Тошкул, Шавкат, "Фалак" қиссасида Султон, Жаҳонгир, Тўлқин, Жамшид каби қаҳрамонлар шулар жумласидандир. Юқоридаги қаҳрамонларнинг барчаси ўз қиёфасига эга. Биз бугун ёзувчининг "Фалак" қиссаси қаҳрамонларига ҳақида суҳбатлашамиз. Йўл-йўлакай бошқа асарларидан ҳам парчалар келтирамиз.

“Фалак” қиссаси ёзувчининг илк ижод намуналаридан бири ҳисобланади. Қиссанинг бош қаҳрамони – Жаҳонгир. У биофизик олим. Жуда катта тажриба устида неча йиллардан бери ишлаб келмоқда. У тиним билмайди, доим изланишда. Шунинг учун бўлса керак, ёзувчи уни қуйидагича тасвирлайди: “Жаҳонгир ёшлигида ҳам жиккак эди. Қаригач, яна кичрайгандай бўлиб қолди”.¹ Синчиклаб қаралса, у ўзининг кашфиёти (эпаллома) билан барча фанга янгилик киритади.

Ёзувчи қаҳрамонлар портретини тўла тасвирламайди, ташқи кўринишига ҳам кўп эътибор қаратмайди. Адиб образлар портретини қаҳрамон характери билан биргаликда ёритиб беради. Ижобий қаҳрамонларни уларнинг қилган яхши ишлари, ютуқлари орқали аслида қандай инсон эканлигини кўрсатади. Салбий қаҳрамонларни эса бир оз бўрттириб кўрсатади, уларга ўз муносабатини ошқора билдиради, асар давомида уларнинг салбий характерини ҳам кўрсатиб беради: “Абдулваҳобнинг хотири заифроқ, уқуви айтарли баланд эмасди. Мадрасага бориш истаги бўлма-са-да, отасининг пўписасидан кўрқиб ризолик берди... Абдулваҳоб! Қорайибди, озибди. Ёнок суяклари туртиб чиқиб, кўзлари киртайиб, қовоқлари салқиб қолибди. Фақат овози ўзгармабди. Юзидаги кулгичи ҳам сезилиб турибди...”.² Биринчи таърифданок унинг билимга унчалик ҳам қизиқиши йўқлигини кўрамиз. Фақатгина отасининг қистови ва хоҳиши билан мадарасага ўқишга киради. Бироқ вақт ўтиб, у ердан ҳам кўрнамаклик қилиб ҳайдалади. Кўча-кўйда юрадиган қаландарга айланади. Ўзига ўхшаган бекорчиларга кўшилиб ҳаммани ғийбат қилади. Ҳаётининг шундай бўлишида фақат бошқаларни айблайди.

Қиссада Султон ва Тўлқин образлари ҳам худди шундай қисқа тасвирланади: “...Султон кўпроқ юрганиданми, ё очик ҳавода кўп ишлаганиданми, дўстларига қараганда бакуват кўринадди. Қотма жуссаси, ҳаракати, қарашдаги тетиклик ва яширин шиддат уни анча ёш кўрсатарди. Фақат оқарган чакка сочларию қисик кўзлар четидаги ажин умрнинг кўп қисми ортда қолганидан дарак бериб турарди”. Султон – археолог. У жуда кўп жойларга экспедиция уюштириш мақсадида борган. Фикрлари тиник, теран, ҳар бир ҳаракати, гап-сўзларидан унинг қандай одам эканлиги сезилиб туради. Тўлқин эса тамоман бошқа одам. У ёзувчиликни касб қилган. Дўстлари уни хаёлпараст, юрган йўлида бир нималарнидир дафтарга тушириб, қоралаб юради, деб таърифлайди: “Тўлқин эса дўстларининг акси, сочлари қирқни қораламаёқ тўкилиб битди. У хаддан зиёд семирган, кичикроқ қалам гўштдор бармоқлари орасида кўринмай кетарди”.

Тоҳир Малик қаҳрамонлари портретини чизишда кўпроқ уларнинг ташқи қиёфасига эмас, балки уларнинг ички, руҳий кечинмалари тасвирига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Бунининг “Мурдалар гапирмайдилар” қиссаси ҳамда “Талваса” романида кўриш мумкин. Тошболта – “Мурдалар гапирмайдилар” қиссасининг салбий қаҳрамони. Ёзувчи унинг ташқи қиёфасини деярли тасвирламайди. Қилган ишлари, асар сўнгидаги изтироблари унинг кимлигини кўрсатади: “Ҳа-ҳа! Бари бир, урди-ку, Худо!!! Ҳали бу ҳам кам сенга, бир томчи сувга зор бўлиб ўласан. Ҳа, сен қийналиб ўласан, мен эса роҳатланиб томоша қиламан... Нима қилаяпсиз? – деб сўради Тошболта. Сенга кафан бичмоқчиман, – деб жавоб берди қайнонаси. Эски кўрпачанинг астаридан ҳам кафан бўларканми? – деди Тошболта. Сенга бу ҳам хайф. Итдай ўлиб, итдай кўмилишинг керак, – деди қайнонаси... Қизим, кетма, сен келиб, азобларим сал нари бўлаятувди. Мени кутқар қизим... Ўзимнинг азобларим ўзимга етади, дада. Азоб? Қанақа азоб? Ўлган одамда қанақа азоб бўлади? Ўлим ҳамма азоблардан кутқаради-ку? Йўк, дада, ўлим сиз билан мен учун азобларнинг бошланиши...”.³

Бу парчадан кўриниб турибдики, ёзувчи ўрни-ўрни билан қаҳрамонларнинг мушоҳадаси, изтироб-армони, ҳасратини ёритиб беради. Кези келганда, ўзи муайян қаҳрамон характерининг у ёки бу қиррасини таҳлил этади. Зарурият сезилса, ёзувчи қаҳрамонларнинг яшаш тарзидаги иккичиқирларига, уларнинг маиший турмушига аралашади, китобхон билан мулоқотга киришади, баҳслашади. Турсунали ҳам шу қисса қаҳрамони. У ўз нафсининг кули. У дунёни мол-мулк, бойлик, айш-ишратдан иборат деб билади. Бойлик олдида кўзига на болалари, на хотини ва на ота-онаси кўринади. Нафси йўлида уларни қурбон қилишдан ҳам тоймайди. Унинг, аслида, қандай одам эканлигини ёзувчи мана шу парчанинг ўзидаёқ исботлаб, кўрсатиб беради: “Турсунали нажотни Яратгандан эмас, шу йигитдан кутган эди. Агар ҳозир бир мўъжиза юз бериб, Тангри таоло айтсаки, “Эй одам боласи, мен бутун оламларнинг яратувчисиман, сен ҳам бандамсан, у ҳам банамдир. Нажотни кимдан кутасан?” деб сўраганда, нодонлик, жаҳолат чодирига тамоман бурканиб

¹ Тоҳир Малик. Танланган асарлар. 1-жилд. Т., “Шарк”, 2004, 15-бет.

² Ўша асар. 26 – 27-бетлар.

³ Малик Тоҳир. Мурдалар гапирмайдилар. Т., “Шарк”, 2004, 194 – 198-бетлар.

олган, кўз нурларини, ақл-фаросатини шайтон ихтиёрига буткул топширган бу банда ҳеч иккиланмай иккинчи бандани кўрсатар эди (Астағируллоҳ)... У аста юриб хўнграб йиғлаган ҳолида Тенгизга келди-да, ёнида тиз чўкди. Шу ёшга кириб бирон марта бўлсин Яратганга сажда қилмаган банда хорлик либосига ўраниб, иккинчи бир бандага тиз чўкди. Тенгиз тўғри айтган эди: эркакнинг бу қадар хорланишидан кўра ўлиб кетавергани минг қарра афзалроқ".¹

Ана шундай салбий қаҳрамонларга чизилган портретни "Талваса" романида ҳам учратиш мумкин. Шавкат – Акмал Бердиёровнинг яккаю ягона ўғли. Бой, танти, ишқмас, тайёрига ўрганган болани жиноятчилар бойлигига эга чиқиш мақсадида банги қилади. Шавкат игнага ўтиради. У, ҳатто ўз уйига жиноятчиларни бошлаб боради ва синглиси ва онасининг ўлимига томошабин бўлади: "У ҳаммасини кўриб турарди... Қорадорига бўлган хумор азоби бу даҳшатдан ҳам кучлилик қилди. Аъзойи баданининг қақшаб оғриши унинг онгига хира парда тортди. Ўлим азобиди тўлғанаётган вужудга ҳаёт беради, уни роҳат булутига ўтқазиб осмонларга учади... Ойиси билан синглисининг ўлимини тушда кўрган даҳшатли воқеа деб ишонтираётган Шавкат хаёлида тикланган бу ҳақиқатдан титроққа тушди".² Шавкатнинг келажаги барчага аён. Уни хорлик ва зорликдаги даҳшатли ўлим кутади. Ота-онасига керак бўлмаган фарзандни жамият ҳам қабул қилмайди.

Тоҳир Малик юқоридаги уч асаридида бир қатор хотин-қизлар образларини ҳам яратади (Матлуба, Нафиса, Адолат, Афрўза, Фотима). Улар ўз характери, портрети, хатти-ҳаракатлари билан бир-бирларидан фарқ қилади. Ёзувчи бу аёлнинг портретини ўзини гапиртириш орқали чизади. Характерига хос жиҳатларни гап-сўзлари орқали очиб беради. Воқеаларнинг бориши, ривожиди фаол иштирок этадилар. "Мурдалар гапирмайдилар" қиссасининг асосий образларидан бири – Адолат. У Тошболтанинг иккинчи хотини, Нафисанинг ўғай онаси. Табиатан кўрс, сергап, бойликдан бошқа нарсани ўйламайдиган ёмон хотин ва ёмон она...Тошболта унга одам қўйди. У ҳам таранг қилиб, нозланиб ўтирмади. Чунки унинг чўлга келишдан мақсади "чўлқуварлик" эмас, балки "эрқуварлик" эди. Нафисани Турсуналига рўпара қилиш фикри ҳам биринчи шу аёлдан чиққан эди. Эри касал бўлиб, тилдан, қўл-оёқдан қолганда ҳам фақат бойликни, ўзини ўйлайди: "Ўлиб ўлмайди, жонланиб жонланмайди. Бошимга битган бир бало бўлди. Тракторчилигида яғирларини ювиб қўлим қаварган эди, энди искиртларини ювиш ҳам пешонамга ёзилган экан. Шу савилга тегиб, мен бир рўшнолик кўрмадим... Айтинг, айтинг, ўлиб қолмасин, ўлса, бутун йиққан-терганларим созурилади. Ҳали ҳам дорилари ҳамённи ўпириб кетяпти..."³

Бу аёл телба деса телбага ўхшамайди, соғ деса соғга. Муомала маданиятининг бирор кўчасидан ўтмаган. Оғзидан чиқаётганини қулоғи эшитмайди. Шаллақи аёлларни кўравериб, кўзи пишиб кетган терговчи ҳам бу аёлни кўриб, унинг "ноёб тур" эканига амин бўлади. Гапларини эшитиб, лол қолади: "– Сиз бирон ерда ишлайсизми? – деб сўради дағаллик билан.

– Ишлайман, нима шунга боқиманда бўлиб ўтираманми? Мактабда ишлайман. – Ким бўлиб, фаррошми? – Вей, нима деяпсиз? Мен ўқитувчиман. Олий маълумотли ўқитувчиман. – Ўқитувчи?... Мактабнинг ҳам, болаларнинг ҳам шўри қуриган экан унда, – Омонулло шундай деб ўрнидан турди".⁴ Дарҳақиқат, бу хотин билан яшаган эркак дўзах муддатини ўтаб бўлган ҳисобланади. Адолат бойликка эга чиқиш мақсадида ўз кизини янги раисга қўшиб ҳузурланади. У инсоф, виждон, иймон, меҳр-оқибат тушунчаларини ўзича англайди. Қўшнинг ёмон бўлса, кўчиб кутуласан, хотининг ёмон бўлса, кўйиб кутуласан, дейишади. Бироқ Адолдан ўлибгина кутулиш мумкин. Ёзувчи бу образни яна-да ёрқинроқ тасвирлаш мақсадида Сўфи Оллоёрдан бир мисол келтиради:

*"Ёмон хотун шайтон қамчисидур,
Қўлунг боғлағувчи аргамчисидур.
Ўшал хотунки номаҳрам назардур,
Агар у шамсу қамардур мочахардур.
Агар чандики бузрукзодадур ул,
Яқин бил, тўрт оёқлик модадур ул..."*⁵

Бу шеърнинг қисқача изоҳи куйидагичадир: хотин ойдек бўлса ҳам, куёшдек бўлса ҳам, агар у ёмон бўлса, урғочи эшшакнинг ўзидир. Бу шеърга жавобан Адолат шундай дейди: "... Ўша-

¹ Малик Тоҳир. Мурдалар гапирмайдилар. Т., "Шарк", 2004, 96-бет.

² Малик Тоҳир. Талваса. Т., "Шарк", 2007, 5, 163-бет.

³ Малик Тоҳир. Мурдалар гапирмайдилар. Т." Шарк", 2004, 164-бет.

⁴ Ўша асар. 167-бет.

⁵ Малик Тоҳир. Мурдалар гапирмайдилар. Т., "Шарк", 2004, 156-бет.

нингиз бекорларнинг бештасини айтибди, шайтон ургочи бўлмади, эркак бўлади, шеърда ёмон хотун эмас, ёмон эркак дейилган".¹ Унинг бу гапларини эшитган одам шайтонни шу тукканга ўхшайди, шайтоннинг эркаклигини аниқ билипти-ку, дейиши аниқ. Адолат ана шу шайтонга-да дарс беради. Ёзувчи қисқа бўлса-да, портрети чизилган қахрамоннинг ички қиёфаси, маънавий дунёси, энг муҳими, руҳиятини очишга хизмат қилади.

Демак, портрет тасвирида қахрамоннинг ташқи кўриниши, руҳияти ҳамда характерини яратиш ёзувчининг маҳорати белгиси ҳисобланади. Тоҳир Малик асаридаги қахрамонлари ҳақида фикр юритганда, уларга ижодкорга хос тавсиф берар экан, асосий эътиборни унинг ташқи кўринишига эмас, кўпроқ, ички, руҳий кечинмаларига қаратади.

Гулрух Усманова (ЎзДЖТУ)

ТАРЖИМА ЖАРАЁНИДАГИ МАЪНОВИЙ БУРИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС МАДАНИЙ ХУСУСИЯТИ

Аннотация. Ушбу мақолада муаллиф таржима жараёнидаги ўзига хос маданий хусусиятларининг юзага келиши, уни ўрганишнинг аҳамияти, бу соҳада амалга оширилган айрим тадқиқотларни кўздан кечирилади ҳамда ушбу соҳани ривожлантириши вазифаларига тўхталади.

Аннотация. В статье рассматриваются культурологические особенности смыслового сдвига в процессе перевода.

Annotation. The author looks the advent of cultural features in translating text, the importance of its learning and some researches, which have been done in this field thoroughly and gives some ideas about its further development.

Калим сўзлар: таржима, лингвокультурологик, таржимон, маданий контекст, фундаментал билим, лингвоэтник тўсиқ, маъновий бурилиш.

Ключевые слова: перевод, лингвокультурологический, переводчик, культурологический контекст, фундаментальное знание, лингвоэтнический барьер, смысловой сдвиг.

Key words: translation, lingua cultural, translator, cultural context, fundamental knowledge, lingua ethnic barrier, semantic translation.

Айни пайтда, таржима назариясининг маданий аспекти кўпчилик илмий изланишлар шарофати билан яна-да долзарб бўлиб бормокда. Таржима қилиш жараёни ўзига мос равишда асарни бир тилдан ўзга бир тилга, баъзи бир йўналишларни ўзгартириш деб қаралади.² Таржима жараёнидаги узвий боғлиқ бу тиллар миллий маданиятни ифодаловчилар, таржимадаги муаммолар эса нафақат иккитиллилик, балки иккимаданиятлилик ҳисобланади.³ Икки тилнинг семантик системаси ўзига хос миллий-маданий жиҳатлари орқали таржима жараёнида бир-бири билан боғланади. Параллел равишда турли дунёқараш ва фундаментал билим, одоб-ахлоқий нормалар, сўзловчининг нутқ одатларини ўзига қамраб олган, маданий меросга эга бўлган икки тил маданиятининг ўзаро боғланиши содир бўлади.

Таржимашуносликнинг янги модели ўрнатилишига асосий сабаб маданият ва бу одамларнинг ўзаро муносабатида халқаро алоқаларни кенгайтишига олиб келди, натижада халқаро маданий муносабатларни ўрганиш жараёни яна-да кучайди. Аммо таржима қилиш тарихида мавжуд бўлган назария ва тажрибаларда маданий аспектларга кераклича эътибор қаратилмаган, чунки ярим аср олдин улар ўзга тил адабий матнининг ўзига хос хусусиятларининг бир элементи саналган, холос. Таржимага бўлган бундай ёндашувнинг мантиққа тўғри келмайдиган жиҳати шуки, таржимон, бир тарафдан, муаллиф услуби ва матннинг асл тушунчасини ижодий ёндашган ҳолда очиб бериши керак бўлса, бошқа томондан, таржима қилинаётган тил ресурслари билан чекланиб қолган. Бу қарама-қаршилиқ таржиманинг керакли ҳажмда бўлишига имкон бермасди, чунки таржима қилинаётган потенциал матн муқаррар равишда тилнинг маданий контекстга боғлиқ бўларди ва таржима қилинаётган матн асл маданий тушунчасини йўқотиб, бошқа адабий ва маданий моҳиятга эга бўлган матнга айланарди. Балки таржиманинг маданий парадокси XX асрнинг иккинчи ярмида, замонавий таржимашунослик мустақил фан сифатида шаклланганлиги сабабли пайдо бўл-

¹ Ўша асар, 156-бет.

² Базылев В. Н. Интерпретативное переводоведение. Ульяновск, 2000, с. 134.

³ Томахин Г. Д. Перевод как межкультурная коммуникация. М., 1996, с. 129.